

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 62

Бухоро шаҳри

04 октябр 2022 йил

JAYXUN MEBEL I.CH.K (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор М.Базарова (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Бухоро шаҳар 24-сонли "Нурли Маскан" ихтисослаштирилган мактаб-интернати (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор М.Аслонов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномали куйидагилар хақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	КНИЖНЫЙ ШКАФ (1900X800X400)	дона	28	2160000	60480000
2	КУШЕТКА (2000x600x600)	дона	1	1100000	1100000
3	ОДЕЖНЫЙ ШКАФ (1900X800X400)	дона	28	2025000	56700000
4	СТОЛ ДЛЯ МЕД. ИНСТРУМЕНТОВ	дона	1	800000	800000
5	РОСТОМЕР (2000мм)	дона	1	450000	450000
6	ШКАФ МЕДИЦИНСКИЙ (1900X800X400)	дона	1	2000000	2000000
7	ПАРТА УЧЕНИЧЕСКАЯ (800X550X750)	комплект	193	795000	153435000
	Жами				274965000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 30 октябр гача

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 274965000 (Икки юз етмиш тўрт миллион тўққиз юз олтмиш беш минг) сумми ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 82489500 сумми, яъни, белгиланган сумманинг 30% фозини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йил октябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 192475500 сўми, яъни, келишилган сумманинг 70 фозини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 30 октябр гача амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

- 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларининг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлигига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
- 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонучилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар хақини тўлаш.

#### 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди: 13748250 сум
- 5.4. Шартноманинг 3.1.3-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдоридан жарима тўлайди 27496500 сум
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
  - томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
  - Форс-Мажор ҳолатларида

#### 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚООНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122 -моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Фазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибидан ҳал қилинади
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

JAYXUN MEVEL I.CH.K

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Ромитан туман Зарафшон куча 4-уй

Тел./факс +998990649449

х/в 20208000000414214001

Банк номи : Хамкор банк Бухоро шаҳар

МФО 00966

ОКОНХ \_\_\_\_\_

СТИР 201042757



Раҳбар М.Х.Бозорова  
(Ф.И.Ш)

(имзо)

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

24-сонли "Нурли Маскан" ихтисослаштирилган мактаб-интернати

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар Газли шассеси 2-уй

Тел./факс 228-94-66

ш/х\* 100021860064017092400075005

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201416259

ОКОНХ 92310

Бухоро вилоят Ғазначилик Бошқармаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Маркази банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар Директор М.Аслонов  
(лавозим) (Ф.И.Ш)



(имзо)

Э. Гафуров

Гувоҳнома (Диплом) № 000456 ва берилган санаси 17.10.2010 йил